

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил март ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Бекобод туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, туман судининг судьяси [REDACTED] раислигида, судья ёрдамчиси [REDACTED]нинг котиблигида, давлат айбловчиси- Бекобод туман прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED]нинг, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячилари “ [REDACTED] ” адвокатлик фирмаси адвокати [REDACTED] ҳамда “ [REDACTED] ” адвокатлик бюроси адвокати [REDACTED], жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “ [REDACTED] ” адвокатлик бюроси адвокати [REDACTED] иштирокида [REDACTED] га оид 1-1103-1902/7-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED], [REDACTED] йил [REDACTED] сентябрь куни [REDACTED] шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, ишсиз, *муқаддам*;

-жиноят ишлар бўйича [REDACTED] шаҳар судининг [REDACTED] даги ажримига кўра ЖК 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланиш ҳақидаги жиноят иши [REDACTED] ги амнистия актига асосан тугатилган, [REDACTED] шаҳар [REDACTED] кўчаси [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича гаров тарзида эҳтиёт чораси қўлланилган, суднинг [REDACTED] йил [REDACTED] даги ажримига кўра эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 4 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакилининг, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и:

[REDACTED] йил [REDACTED] ноябрь куни соат 7 ларда [REDACTED] тумани ҳудуди бўйлаб ўтган “Қорасув-Бўка-Бекобод” автомобил катнов йўлининг [REDACTED] километрида “ [REDACTED] ” МЧЖга тегишли “ [REDACTED] ” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган тиркамали, “ [REDACTED] ” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган юк машинасини ишончнома асосида [REDACTED] шаҳри томондан [REDACTED] шаҳри томонга соатига 55-60 км. тезликда бошқариб кетаётган, хавфсизлик чораларини кўрмасдан амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3-банди талабларига кўра йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда

келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизикларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлиги, 4-банди талабларига кўра йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклиги, 53-банди талабларига кўра ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши кераклиги, 77-банди 3-қисми талабларига кўра, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги бўлган хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак бўлса-да, ҳайдовчи [REDACTED] ушбу йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан йўлнинг ўзига нисбатан қарамаш-қарши бўлагига чиқиб кетиб, [REDACTED] тумани, “[REDACTED]” маҳалласи, рақамсиз уйда яшаб келган [REDACTED] йилда туғилган фуқаро [REDACTED]нинг бошқарувидаги, “[REDACTED]” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинаси билан тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган.

Натижада “[REDACTED]” автомашинаси ҳайдовчиси [REDACTED] олган тан жароҳатлари оқибатида ҳодиса содир бўлган жойда вафот этган.

Суд тиббий экспертизасининг [REDACTED] йил [REDACTED] ноябрдаги [REDACTED] Б-сонли хулосасига кўра [REDACTED] йилда туғилган фуқаро [REDACTED]нинг ўлими ҳаёт учун номутаносиб автотравма, кўкрак қафаси аъзоларини ёпиқ тўмтоқ жароҳати, икки томонлама кўплаб қовурғаларни синиши, юрак ҳалтасини ва чап қоринчани йиртилиши, ички қон кетиш натижасида юз берганлиги, ўлим муддати мурда ўзгаришларини, атроф муҳит ҳароратини, йил фаслини инобатга олганда мурда текширувигача 4-5 соатдан кўп бўлмаган вақт атрофида юз берганлиги, мурда танасида аниқланган жароҳатлар, яъни бош мия очик жароҳати, бошнинг чап томонлама пешона-тепа-энса соҳалари эзилиб-йиртилган яраси, чап тепа суягини асос суягига ўтган чизиксимон синиши, бош юмшоқ тўқималарига, бош мия чап яримшарига қон қуйилишлари, чап билак суякларини очик силжиб синиши, кўкрак қафаси аъзолари ёпиқ тўмтоқ жароҳати, чап ўмров суяги акромиал қисмидан синиши, икки томонлама қовурғаларни олдинги қўлтиқ ости чизиғи бўйлаб кўплаб синишлари, юрак ҳалтаси ва чап қоринчани йиртилиши, кўкрак бўшлиғига қон кетиши, жигар тўқимасини эзилиб йиртилиши, талокни ёрилиши, ички қон кетиш, ўнг тизза бўғими ичи очик синиши, чап болдир суяги очик синиши, чап сон суяги ёпиқ синиши, танадаги шилинмалар қандайдир ўтмас қаттиқ жисм таъсирида етказилган бўлиб, бошқа автотранспорт билан урилиши натижасида салон ичи бўртиб чиқиб турувчи қисмларига урилишидан бўлиши мумкинлиги, сабаб-оқибат бўйича йўл транспорт ҳодисаси вақтида тўғри келиши, ушбу тан – жароҳатлари бир пайтнинг ўзида қисқа вақт оралиғида ҳаётийлигида юзага келган бўлиб, сабаб-оқибат бўйича унинг ўлимига олиб келган оғир тан – жароҳатлари тоифасига киритилиши, мурда кийимлари текшириб кўрилганда аниқланган кийим дефектлари танада аниқланган жароҳатлар билан мос келиши, мурда текшируви вақтида унинг кийимларида ва танасида конкрет автотранспорт маркасини кўрсатувчи спецефик белгилар аниқланмаганлиги, мурда танаси, ички

аъзоларида ва суяк – скелет системасида автотранспортга хос бўлмаган бошқа жароҳатлар аниқланмаганлиги, ушбу тан – жароҳатлари ЙТХ натижасида салон ичида ҳайдовчи ўриндиғида ўтирган ҳолатда юзага келиши мумкинлиги, мурда танасида аниқланган жароҳат, яъни бош мия очик жароҳати, бошнинг чап томонлама пешона-тепа-энса соҳалари эзилиб-йиртилган яраси, чап тепа суягини асос суягига ўтган чизиксимон синиши, бош юмшоқ тўқималарига, бош мия чап яримшарига қон қуйилишлари, чап биллак суяklarини очик силжиб синиши, кўкрак қафаси аъзолари ёпик тўмтоқ жароҳати, чап ўмров суяги акромиал қисмидан синиши, икки томонлама қовурғаларни олдинги қўлтиқ ости чизиги бўйлаб кўплаб синишлари, юрак ҳалтаси ва чап қоринчани йиртилиши, кўкрак бўшлиғига қон кетиши, жигар тўқимасини эзилиб йиртилиши, талоқни ёрилиши автотрнспорт воситасини рул қисмига урилишидан юзага келганлиги, қуйидаги жароҳатлари, яъни ўнг тизза бўғим ичи очик синиши, чап болдир суяги очик синиши, чап сон суяги ёпик синиши, автотранспорт воситаси салон ичи бўртиб чиқиб турувчи қисмларига урилишидан юзага келганлиги, ушбу жароҳатлар йўл – транспорт ҳодисаси натижасида қисқа вақт оралиғида юзага келганлиги сабабли кетма-кетлигини кўрсатиб ўтишнинг имконияти йўқлиги, мурда текшируви вақтида ички аъзоларида ҳаётий касаллик белгиларига хос бўлган паталогик ўзгаришлар аниқланмаганлиги, шунингдек таянч-ҳаракат аппаратида касалликка хос бўлган деформациялар аниқланмаганлиги, кўрув ва эшитув аъзоларини ҳаётийлигида бирор-бир касаллик билан ҳасталанганлигини аниқлаш учун тиббий муассасада ҳаётийлигида яшаш жойи ёки иш жойида тиббий кўрик ҳужжати юритилган бўлса, ўша ҳужжат тақдим қилинганидан сўнг аниқлик киритилиши, мурдадан олинган қонда алкагол сақловчи моддалар, барбитуратлар ва алкалоидлар аниқланмаганлиги кўрсатилган.

Суд автотехника ва транспорт-трасология экспертизасининг [] йил [] ноябрдаги []-сонли хулосасига кўра, тўқнашув вақтида “ [] ” русумли, давлат рақам белгиси [] ва “ [] ” русумли, давлат рақам белгиси [] автомобилларининг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак чамаси [] даражани ташкил этганлиги, тўқнашув “ [] ” русумли автомобилнинг олди бампери, панели, олди қисми деталлари “ [] ” русумли автомобилларининг олди бампери, олди қанотлари, капоти, томи олди эшиклари билан содир бўлганлиги, транспорт воситаларининг тўқнашув вақтида бўйлама ўқлари орасидаги бурчак тадқиқот қисмида чизма орқали кўрсатилганлиги, автомобилларнинг тўқнашуви ЙТХ содир бўлган жойни чизмасида “ [] ” рақами билан қирилиш, қум ва тупроқ тўқилганлиги кўрсатилган жойда содир бўлганлиги, “ [] ” русумли, давлат рақам белгиси [] автомобилнинг тормоз излари бўйича аниқланган тезлиги тўқнашувни ҳисобга олиб, [] км/соатдан юқори бўлганлиги, агар ҳодиса вақтида туман тушган бўлса, олдинда кўриниш мософаси [] метрни ташкил этган бўлса, ушбу вақтда “ [] ” русумли автомобилнинг кўринишига мос келувчи ҳаракат тезлиги [] км/соатдан ошмаган бўлиши кераклиги, шу сабабли, олдинда кўриниш [] метрни ташкил этган вазиятда “ [] ” русумли автомобиль ҳайдовчиси тормоз изидан аниқланган [] км/соат тезлик ёки ҳайдовчи сўзидан аниқланган [] км/соат тезликда техник жиҳатдан хавфсизликни таъминлай олмаслиги аниқланган.

Судланувчи [] суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, [] йилдан буён юк машинаси бошқариб келишини, [] йилдан “ [] ”

русумли [REDACTED] давлат рақамига эга бўлган юк машинасини бошқариб келишини, [REDACTED] йил [REDACTED] ноябрь куни юк машинасида хизмат кўрсатиш учун мижоз топиш учун [REDACTED] туманига келганини ва у ерда чет давлатларига маҳсулот юклаётган шахслар билан гаплашиб уларга юк машинаси борлигини ва юк машинаси керак бўлса юкларини айтган манзилга олиб бориб беришини айтганида улар унга [REDACTED] шахрида яшовчи “ [REDACTED] ” исмли шахснинг қўл телефонини бериб ушбу шахс билан гаплашиб кўришини, ушбу шахс юк машина керак ёки керак эмаслигини айтишини, шундан сўнг “ [REDACTED] ” исмли шахсга қўнғирок қилганида, унга юк ортишини ва бунинг учун [REDACTED] шахрига келиб бўш кутиларни олиб кетишини айтганини, унга агарда бирорта қайтаётган машина топса уларга тайинлашини, бўлмаса ўзи боришини айтганини, сўнг [REDACTED] шахридан қайтаётган юк машиналарини қидирганини, бироқ топа олмаганини, шундан сўнг [REDACTED] йил [REDACTED] ноябрь куни соат тахминан [REDACTED] ларда ўзи [REDACTED] шахридан кутиларни олиб келиш учун юк машинасида йўлга чиққанини, ушбу юк машинасида бир ўзи бўлганини, бошқарувидаги юк машинаси [REDACTED] тумани “ [REDACTED] ” фермер уюшмасига худудидида бошқариб кетаётган вақтида унинг ҳаракат тезлиги [REDACTED] км/соат бўлганини, йўлга қалин туман тушган бўлганини, ҳаракатланиб кетаётганида у билан бир йўналишда яна бир юк машинаси унинг йўналишидаги ўрта узук-узук чизикни ўртага олиб бошқариб кетаётган бўлганини, унинг тезлиги жуда кам бўлганини, ушбу машинани қувиб ўтиш мақсадида ўзининг йўналишини ўзгартириб у ҳам машинасини узук-узук чизик устига хайдаганини, у йўналишини ўзгартирган вақтида уни юк машинаси кўриб четга олади деб ўйлаганини, бироқ у машинасини четга олмаганини, унга йўл бериши ҳақида ишора қилмаганини, сабаби туман бўлганлиги сабабли чироқларини ёқиб кетаётган бўлганини, чироқларни кўриб машинасини четга олади деб ўйлаганини, бироқ машина йўналишини ўзгартирмаганлиги сабабли у ушбу машинани қувиб ўтиш мақсадида йўлни иккига ажратиб турувчи узлуксиз чизикни машинаси ўртасига олиб юк машинасини қувиб ўтишга киришганин, шу вақтда унинг қаршисида тахминан [REDACTED] метрлар узоқликда ўнг томонга олиб ҳаракатланиш белгисини билдирувчи йўл белгисини кўрганини, ушбу йўл белгисига яқин келиб қолганлиги сабабли бошқарувидаги юк машинани чап томонга қарама қарши йўналишга қараб бурганини, ўша вақтда ундан тахминан [REDACTED] метр узоқликда енгил автомобил чироқларини ёқиб келаётганини кўрганини, бошқарувидаги машинани ушбу машина ўзининг йўналишида ўтиб кетиши учун яна чап томонга буриб йўл четига чиқиб кетганини, машинасини четга бурган вақтида ҳам ушбу машина бошқарувини у томонга буриб унинг юк машинасининг олд томонига келиб урилганини, у машинани тормозлантириб дала ичида тўхтатганини, сўнг дархол унинг машинасига келиб урилган машина олдига борганини, у ерга борган вақтида автомашина ичидаги хайдовчи ЙТХ сабабли машина ичига қисилиб қолганини кўрганини, унинг машинаси мотор қисми тутаётганлиги сабабли машинасидан ўт ўчиргични олиб сепганини ва газ балонини ёпиб қўйганини, сўнг шу ерга тўхтаган шахслар билан машинани жойидан қимирлатиб унинг хайдовчисини олмоқчи бўлганини бироқ уни машина қисиб қолганлиги сабабли ололмаганини, сўнг у ерга келган хайдовчилар ва тез тиббий ёрдам ходимлари уни олишганини, орадан бир оз вақт ўтиб ИИБ ходимлари етиб келганини ва уни туман ИИБ биносига олиб келишганини, ИИБ биносидан ундан тушунтириш хати олишганини, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакилини оиласига қўлдан

келгунича ёрдам қилаётганини, зарар етказилган автомашина ўрнига худди шундай автомашина олиб берганини ва марҳум жабрланувчининг отасининг номига расмийлаштириб берганини, автомашинадан қолган [REDACTED] сўм миқдордаги кредит маблағларини оила аъзолари суд жараёнида жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] қоплаб беришганини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, марҳумнинг оиласидан кечирим сўрашини айтиб, суддан ўзига нисбатан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] суд мажлисида, [REDACTED] йил [REDACTED] январь куни туғилган ўғли [REDACTED] вилояти [REDACTED] институтининг “ [REDACTED] ” факультетини тамомлаб, [REDACTED] тумани “ [REDACTED] ” фермерлар уюшмасида жойлашган касб-хунар коллежида [REDACTED] йил яъни [REDACTED] йилга қадар “ [REDACTED] ” ўқитувчиси бўлиб ишлаганини, шундан сўнг [REDACTED] -сонли ўрта таълим мактабида “ [REDACTED] ” директор ўринбосари бўлиб ишлаб келганини, [REDACTED] йил [REDACTED] ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўқитувчилар бўйича чиқарган Қарорига кўра, [REDACTED] йил [REDACTED] ойининг ўрталарида ўзининг номига “ [REDACTED] ” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинани кредитга олиб, бошқариб келганини, [REDACTED] йил [REDACTED] ноябрь куни соат [REDACTED] ларда уйдан ушбу автомашинасини бошқариб чиқиб, ёқилғи қуйиш мақсадида [REDACTED] тумани “ [REDACTED] ” маҳалласида жойлашган автомашиналарга газ қуйиш шахобчасига бориш учун чиқиб кетганини, чиқиб кетганидан сўнг орадан тахминан [REDACTED] дақиқалар вақт ўтганидан сўнг [REDACTED] йилда туғилган ўғли [REDACTED] кўнғироқ қилиб, укаси [REDACTED] “ [REDACTED] ” йўлида ҳаракатланиб кетаётганида қарама-қарши йўлдан юк машинаси унинг йўлига чиқиб кетиши натижасида йўл-транспорт ҳодисасига учраб вафот этганини айтганини, бу вақтда у [REDACTED] вилояти, [REDACTED] туманида қариндошларининг уйига тазияга борган бўлганини, у ердан тезлик билан чиқиб [REDACTED] туманида жойлашган уйига етиб келганини ва ўғли [REDACTED] нинг дафн маросимини ўтказишганини, ҳозирда ўғли [REDACTED] нинг номига “ [REDACTED] ” МЧЖдан олинган “ [REDACTED] ” русумли автомашинанинг кредит пулини ундириб беришни сўрашини, судланувчи автомашинага етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, яъни турмуш ўртоғи [REDACTED] нинг номига худди шундай янги “ [REDACTED] ” автомашинаси сотиб олиб берганини, авария ҳолатига келган ўғлининг автомашинасини эса судланувчига бериб юборишганини, лекин автомашина кредитга олингани ва кредит қопланмагани сабабли ушбу автомашинани ҳужжат расмийлаштирмасдан бериб юборишганини, судланувчининг яқин қариндошлари автомашинанинг [REDACTED] сўм миқдордаги қолган кредит пулини суд жараёнида тўлиқ қоплаб беришганини, судланувчига нисбатан моддий зарар бўйича даъвоси йўқлигини, келгусида ҳам даъво қилмаслигини айтиб, судланувчига нисбатан камок билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, [REDACTED] йил [REDACTED] ойдан буён [REDACTED] туман йўллардан фойдаланиш унитан корхонасида ишлаб келишини, [REDACTED] йил [REDACTED] ойдан буён [REDACTED] йўл бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келишини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг [REDACTED] йил [REDACTED] куни [REDACTED] вилояти, [REDACTED] шаҳри, [REDACTED] тумани ва [REDACTED] туманиларига ташрифи муносабати билан олдиндан кўрсатилган чора-тадбирлар ижросини бажариш учун ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “ [REDACTED] ”

“ ” автомобиль йўлининг ■ километрдан йўл ўртасидаги қарама-қарши бўлақларни ажратувчи узлуксиз чизиқлар устига ажратувчи биринчи тоифали “ ” тўсиқларини ўрнатиш ишлари ■ йил ■ августдан бошлаб ўрнатилган бошланганини, бу ишлар йўлларда қарама-қарши йўнтишдан қатновчи транспорт воситаларининг тўқнашиб кетишини олдини олиш мақсадида қилинганини, ишларни бажариш жараёнида ■ вилояти ИИБ ЙХХБ бошқармаси билан келишилган йўл белгиларини ўрнатиш схемаси асосида йўл белгиларини ўрнатиб ишларни бажарганини, иш жараёни туганидан кейин ўрнатилган ажратувчи тўсиқларнинг икки томонидан ҳам тўсиқни айланиб ўтиш йўл белгисини қатнов қисмининг ўртасига олдинма кетин иккитадан тўсиқларидан ■ метрлар қолганда ўрнатганини, икки томондан ҳам йўл-транспорт ҳодисасини олдини олиш ва ҳайдовчиларни огоҳлантириш мақсадида тезликни чекловчи 50 км йўл белгиси, транспорт воситаларини қувиб ўтишни тақиқлаш йўл белгиси ҳамда йўл ишлари йўл белгилари_икки_томондан ҳам “БДО-5” биринчи тоифали ажратувчи тўсиқлар ўрнатилган йўл қисмига 300 метрлар етмасдан йўлнинг ўнг томон четига нур қайтарувчи йўл белгилари ўрнатилганини, йўлнинг ўрта қисмидаги ўқига икки қатор узлуксиз чизиқлар чизилганини, йўл белгилари ўрнатилган устунлар, нур қайтарувчи плёнкалар билан жиҳозланганини, ■ йил ■ ноябрь куни соат тахминан 7 ларда ишга борганидан сўнг ишчиларининг бири унга қўнғироқ қилиб, “ ” автомобиль йўлининг ■ километрида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганини айтишганини, шунда ЙТХ содир бўлган жойга борганида йўл бўлими устаси ■ ва бошқа ишчилар ҳодиса бўлган жойни тозалаш ишлари билан шуғулланаётган бўлганини, ушбу жойда юк машинаси улар ўрнатган “БДО-5” биринчи тоифали ажратувчи тўсиқларга етмасдан қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб олдида ҳаракатланиб келаётган “ ” енгил автомашинаси билан тўқнашиб ЙТХ содир этган бўлганини, ЙТХ содир бўлган йўлнинг асфальт қопласининг умумий кенглиги ■ метр, йўл чети ҳар икки томони 3 метрдан кам бўлмагани, ҳар икки томондан огоҳлантирувчи ва тақиқловчи йўл белгилари ўрнатилганини, йўл ўқига чизилган ва йўл тасмасини ажратувчи узлуксиз ва узлукли чизиқлар кўринарли, ҳолати яхши, йўлнинг асфальт қопламаси яхши, ЙТХни келтириб чиқадиган омиллар йўқлиги аниқланганини, ушбу ҳолатларни фотосуратга олганини ва сўроқ баённомасига илова қилганини айтиб, кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ ■ суд мажлисида, ■ йил июль ойидан буён “ ” шаҳар филиалида кредит бўлимида ишлашини, ■ йил ■ ойидан ушбу банкнинг кредит бўлимига биринчи тоифали мутахасис бўлиб ўтганини, ■ йил ■ ойидан буён ушбу банкда ажратилган кредитларни мониторинг қилиш бўлими бош мутахасисси бўлиб ишлаётганини, мархум ■ ning олган кредити бўйича бошқа мутахасис шуғулланганини, бу бўйича тушунчаси борлигини, ушбу кредитнинг охириги тўлови ■ йил ■ ойининг охирида тўланганини, ушбу пулларни ■ отаси ■ тўлаб берганини, асосий қарз ■ сўм қолганини, тўловлар график асосида тўланаётганини, муддати ўтган қарздорлик йўқлигини, агар кредит ўз вақтида тўлаб турилса устига фоиз олинмаслигини, тўловнинг ойлик муддати келганида тўлаб берилмаса 3-4 кун ўтган бўлса шу кунга ҳисобланишини, ■ вафот этганидан сўнг эртаси куни кредит қолдиғини қоплаш учун керакли ҳужжатларни йиғиб суғурта

компаниясига тақдим қилганини, суғурта компанияси уларга жавоб хатида хужжатлар тўплаб беришини кўрсатганини, хужжатларда суднинг ҳукми ҳам киритилганини, агар судни ҳукми чиқмасдан туриб суғурта бадалини тўлаб бера олмаслигини маълум қилишганини, суднинг ҳукмида қанча зарар бўлганлигига қараб қоплаб беришини маълум қилишганини, шундан сўнг суғурта компаниясига мурожаат қилмаганини, марҳумнинг яқин қариндошлари кредитни қолган қолдиғини қоплаб бермаган тақдирда суғурта компанияси тўлаб беришини, [REDACTED] ихтиёрий ва мажбурий суғурта қилинганини, агар кредит олувчи вафот этган бўлса, шартнома бўйича қарздор қарз олувчи қоплаб бериш керак деб кўрсатилган, қарздор билан қарз олувчи тенг ҳуқуқга эга, суғурта полисида суғурта тўлаш керак деган банди борлигини 3.1 бандида, ЙТХ содир этилган бўлса суғурта компанияси қоплаб бериш кераклигини, ЙТХ оқибатида асосий қарздор [REDACTED] вафот этганини, иккинчи қарздор [REDACTED] ҳисобланишини, ушбу шахс [REDACTED]нинг опаси эканлигини, [REDACTED] ҳам биргаликда қарздор ҳисобланишини, суғурта шартномаси бекор бўлмаганини, [REDACTED] суғуртага алоқаси йўқлигини, суғурта компаниясига хабар берилганини, [REDACTED] олган автомашина гаровда ҳисобланишини, ҳар қандай ҳолатда ҳам автомашина гаровга қўювчида сақланишини, ЙТХга учраган тақдирда ҳам шу ҳолатда сақланиши кераклигини, суғурта компанияси ҳукм чиқмагунга қадар қоплаб бера олмаслигини маълум қилганини, айтиб кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, “[REDACTED]” суғурта компаниясининг Бекобод шаҳридаги [REDACTED] бўлинмаси бошлиғи лавозимида ишлаб келишини, марҳум [REDACTED] йил [REDACTED] ойида уларнинг компаниясига мурожаат қилганини ва барча хужжатларни йиғиб автомашинани суғурта қилганини, шундан сўнг [REDACTED] бошқарувидаги автомашина йўл транспорт ходисасига учраганини айтишганидан сўнг, ўз вақтида бориб расмларга тушириб, керакли хужжатлар йиғиб мониторинг қилиб бош офисга тақдим қилганини, ҳодиса содир бўлгандан сўнг банк эртаси куни уларни огоҳлантирганини, йўл транспортга учраган автомашинанинг кредит пулини ким тўлашидан уни хабари йўқлигини, суғурталаштириш тўғрисидаги қонунда ҳам суд қарори ёки ҳукмидан кейин, ким айбдорлигини аниқлашини, кейин қанча зарар келтирилганини кўриб чиқиб кейин зарарни қоплаб беришини, суғурта компанияси автомашинани суғурта қилганини, шахсни суғурта қилмаганини, суғурта компаниясининг автомашиналарга етказилган зарар масаласи бўйича 3-4 хил шартлари борлигини, қисман зарар етганида, бахтсиз ходиса юз берганида, табиий офатдан зарар кўрганида ушбу зарарларни суғурта компанияси қоплаб беришини, агар шартнома қилинган автомашина, зарар қисми кам бўлган тақдирда суғурта суднинг ҳукмисиз ўзи қоплаб беришини, бу зарар суммаси шартномадаги сумманинг 5 фоизи бўлиш кераклигини, марҳум [REDACTED] тегишли автошина йўл транспортга учраганидан сўнг мониторинг қилганида автомашинанинг 90 фоизини ўз ҳолига келтириб бўлмаслигини аниқлаганини, етказилган зарарни суғурта қоплайдиган бўлган тақдирда ҳам, кейинчалик судланувчи шахсдан регресс тартибида ундириб олинишини, 3 шахс ҳам уларни компаниясида суғурталанганини, улар одам

вафот этгани учун 12.000.000 сўм беришини, у регрес тартибида ундирилмаслигини, агар айбланувчи автомашинага етказилган зарарни судгача қоплаб берган бўлса, суднинг ҳукмидан сўнг ушбу пуллар айбланувчига жабрланувчининг розилиги билан берилишини, суғурта фақат моддий зарар бўйича қоплаб беришини, агар айбланувчи жабрланувчи томонга етказилган зарар автомашинани қоплаб берган бўлса суғурта ушбу зарарни қоплаш қопламаслигини билмаслигини, бу борада бош офисидаги департамент бўлими жавоб беришини, ушбу зарарни қоплаш ёки қопламаслик, агар қопласа регрес тартибида ундиришга департамент жавоб беришини, агар автомашинага зарар етказилган бўлса жабрланувчига қоплаб берилишини, агар суғурта зарарни қоплаган тақдирда ҳам айбланувчидан регрес тартибида ундириб олинишини, регрес тартибини у ишлаётган суғурта агентлиги ҳал қилмаслигини, у керакли ҳужжатларни йиғиб беришини, уни бош офис кўриб чиқишини, бош офис регрес ёки регрес эмаслигини ўзлари ҳал қилишини, судни охириги хулосаси яъни ҳукми, қарори ёки ажрими чиқмагунга қадар суғурта қоплаб бера олмаслигини, ихтиёрий баҳоловчининг нархланган нархлари асос бўла олмаслигини, агар айбланувчи жабрланувчига етказилган зарар бўйича автомашина олиб берган бўлса, ушбу суғуртада кўрсатилган 12.000.000 сўмни олиши мумкинлигини, “ ” МЧЖ раҳбарига тегишли бўлган автомашинани “ ” сида шартнома асосида ишлаб келганини, меҳнат шартномасида ушбу корхона ҳам жавобгар ҳисобланишини, чунки “ ” МЧЖ га тегишли бўлган автомашинани соз ҳолатда сақлаш мажбуриятини олганини, суғурта компанияси давлат ташкилот ҳисобланмаслигини, агар моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳолат суд томонидан чиқарилган ҳукмда кўрсатилган бўлса суғурта компанияси зарарни қоплаб беришини айтиб кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ суд мажлисида, йилдан буён “ ” компаниясида ишлаб келаётганини, йил ойидан буён шаҳар “ ” суғурта компанияси даъволарни бартараф этиш департаментининг директор ўринбосари бўлиб ишлаб келаётганини, банк томонидан берилган автомашина суғурта қилинишини, суғурта қилинган автомашина йўл транспорт ҳолати натижасида эгаси вафот этган бўлса ва автомашинага катта зарар етган бўлса, ушбу зарар суғурта компанияси томонидан яқин қариндошларига қоплаб берилишини, унда суғурта компаниясига, ЙПХ ходимини қарори ёки судни якуний хулосаси бўлиши кераклигини, агар судга чиқадиган ҳолат бўлмаса унда суғурта ЙПХнинг қарори билан автомашинага зарар етказилган жойни нархлангани асос бўлишини, бу ишда агар айбдор бўлса регрес тартиби орқали ундириб олинишини, агар автомашинага етказилган зарар айбланувчи томонидан қоплаб берилган бўлса суғурта компанияси томонидан зарар қопланмаслигини, кредит олувчи билан кредит берувчи банк ўртасида шартнома тузилишини, шундан сўнг кўчадаги хавф хатардан суғурталашини айтиб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқроорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотожадвал, тушунтириш хатлари, экспертиза хулосалари, қонуний вакил деб топиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топди.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] одам ўлишига сабаб бўлган транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда одиллик ва инсонпарварлик принципларига таяниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмалардан келиб чиқиб, унинг шахсини, судланмаганини, айбига тўлиқ иқроор бўлиб қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноят эҳтиётсизлик оқибатида содир этилганини, ижобий тавсифга эгаллигини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи ҳомиладорлигини, отаси йўқлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш тўғрисидаги аризасини, моддий ва маънавий зарар қопланганини, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусиятини ва ишдаги бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан айблов моддаси санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ва юқорида кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан ЖК 72-моддасига асосан асосий жазони шартли ҳисоблаб, синов муддати белгилашни лозим топди.

Суд, [REDACTED] туман прокурорининг [REDACTED] йилги *(санаси ва рақами кўрсатилмаган)* [REDACTED] нинг манфаатларига жавобгар [REDACTED] ўғлидан [REDACTED] сўм миқдорида моддий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини муҳокама қилиб, мазкур даъво аризада ушбу моддий зарар айнан нимани ҳисобига белгилангани кўрсатилмагани, шунингдек, судланувчи [REDACTED] томонидан ҳодиса оқибатида “ [REDACTED] ” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинага етказилган зарар эвазига жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] га худди шундай [REDACTED] йилда ишлаб чиқарилган “ [REDACTED] ” русумли, давлат рақами белгиси [REDACTED] бўлган автомашина олиб бергани, бу эса [REDACTED] йил [REDACTED] январда [REDACTED] номига берилган автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги [REDACTED] рақамли гувоҳнома билан тасдиқланганини, бундан ташқари судланувчининг яқин қариндошлари

мархум [REDACTED] томонидан кредитга олинган ва ҳодиса оқибатида шикаст етказилган автомашина учун банк олдидаги [REDACTED] сўм миқдоридаги кредит қарздорлиги суд жараёнида жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] тўлиқ қоплаб берилганини инобатга олиб, даъво аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Шу билан бирга суд, мархум жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] судланувчи [REDACTED] нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, моддий ва маънавий зарар тўлиқ қоплангани, келгусида ҳам даъво қилмаслиги тўғрисидаги аризасини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 459-460, 462, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан 1 (бир) йил муддатга барча турдаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 4 (тўрт) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасига асосан [REDACTED] га тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

[REDACTED] тайинланган жазони ўташни ҳисоблашда уни 2019 йил 8 февралдан 2019 йил 6 март кунига қадар қамоқда сақланган вақти ҳисобга олинсин.

[REDACTED] белгиланган синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] нинг ҳулқи устидан назорат ўрнатиш [REDACTED] шаҳар ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] га барча турдаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин ижрога қаратилиб, уни ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] га, яшаш жойи ўзгарса, бу ҳақида унинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органларга хабар бериб туриш ва вақти-вақти билан келиб, назорат олиб борувчи органларда рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти юклатилсин, унга синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасини 6 ва 8-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

█ га қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у суд залида қамоқдан озод қилинсин.

█ туман прокурорининг █ йилги (санаси ва рақами кўрсатилмаган) █ нинг манфаатларига жавобгар █ дан █ сўм миқдорида моддий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

█ дан марҳум жабрланувчи █ нинг қонуний вакили █ фойдасига █ сўм миқдорида маънавий зарар суд жараёнида ундирилгани инобатга олинсин.

Иш бўйича жабрланувчининг қонуний вакилининг судланувчига нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, келгусида ҳам даъво қилмаслиги тўғрисидаги аризаси инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусҳасини олган кунларидан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришлари ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья █

“Ҳукм нусҳаси аслига тўғри”
Судья: